

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



# Vaziyat

2022 йил  
16 июнь  
№ 24 (861)



## 2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



# МАҲОРАТ, МАТОНАТ ВА МАЛАКА СИНОВИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ)нинг Тошкент вилояти ва пойтахт ҳудудий қўйи тизими бошқарув органлари ҳамда куч ва воситаларининг ҳаракатларини баҳолаш юзасидан ҳамкорликдаги кўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.



Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев умумий раҳбарлик қилди.

Ўқув машқи давомида жами 20 та кўргазмалар тадбир ўтказилиб, амалиёт жараёнида асосий эътибор туман ва шаҳар ҳокимликлари, ФВДТ қўйи тизимига кирувчи корхона, ташкилотлар ҳамда бошқарув органлари ва қутқарув тузилмаларининг аҳоли ҳамда ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга шайлик даражасини баҳолашга қаратилди.

Тадбирлар давомида ўқув машқи ғоясига кўра, зилзила ва сув тошқини рўй берган ҳудудларда уларнинг оқибатларини тугатиш юзасидан “Чорвоқ” ГЭС УК, “Максам-Чирчик” АЖ, “Coca-cola Uzbekistan” МЧЖ, “Мега планет” кўнгилочар савдо мажмуаси, Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти, Тошкент метрополитенининг “Пахтакор” бекатида ва яна қатор белгиланган нуқталарда махсус-тактик ўқув машқлари, Бўстонлик ва Чилонзор туманларида Тошкент вилояти, шунингдек, Тошкент шаҳар фуқаро муҳофазасининг Механизациялашган йиғма командалари билан саф кўриклари ўтказилди.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг ўзида 32 донга электр таянч-

лар ўрнатилиб, 1,3 км. электр тармоғи тортиш, 10,5 км. электр тармоғи. 4 донга электр трансформатор ва 150-300 мм. диаметри ичимлик суви қувурларини таъмирлаш, 150-400 мм. қувурларидаги димланиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, 24.4 км. канал ва ариқлар тозаланиб, жами 16 та ёнғин ўчириш гидранти соз ҳолатга келтирилди. 0.4 км. газ қувурларини тартибга келтириш ва бўяш ишлари бажарилди.

Жами 13 762 нафар шахсий таркиб, 486 та техника жалб этилган мазкур амалий тадбирларда раҳбарлар таркиби ва қутқарув тузилмалари иштирокида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, хавфини камайтириш ва оқибатларини тугатишга қаратилган қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар амалга оширилди.

Ўқув машқи якунларига бағишланган муҳофизат эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул хизмат ва идораларга тегишли тавсия ҳамда курсатмалар берилди.

**ФВВ матбуот хизмати.**

УШБУ СОНДА:

**САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК**



3-бет

**КўНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ**



4-бет

**ОРОМҒОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ**



5-бет

**КОИНОТНИ ЗАБТ ЭТГАН ИЛК АЁЛ**



8-бет



## ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Хусусан, 1-июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Самарқанд ҳарбий прокуратураси ҳамда ИИБ халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш кўшинларига қарашли 7252-ҳарбий қисм кўмондонлиги билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг мактабгача бўлган ёш фарзандларини интеллектуал, маънавий ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш ҳамда болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, давлат шерикчилиги асосида Самарқанд шаҳар Қорасув даҳасида “Турнача” мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилди.

Ушбу мактабгача таълим ташкилотидан 4 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари иш билан таъминланди.

**Эргаш ТЛАВОВ, Самарқанд ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия полковниги.**



## НАВОИЙДА САЙЁР ҚАБУЛ

Навоий ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги, вилоят Ички ишлар бошқармаси ва мутасадди корхона, ташкилот ҳамда муассасалар билан ҳамкорликда Навоий шаҳар ва Кармана тумани ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларнинг ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ҳамда фуқаролар иштирокида сайёр қабул бўлиб ўтди.

Унда 150 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчилари, ҳарбий пенсионерлар ва бошқа фуқаролар иштирок этдилар.

Қабулда бўлган фуқароларнинг уй-жой ажратиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, кредит олиш, шартнома асосида ҳарбий хизматга кириш ва бошқа масалалар бўйича жами 25 та мурожаати ўрганилди. Улардан 5 таси жойида ҳал этилиб, қаноатлантирилган бўлса, қолган 20 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Тадбир якунида иштирокчилар учун китоб ярмаркаси ҳам ташкиллаштирилди.

**Шерзод УНГАРОВ, Навоий ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия катта лейтенанти.**

## ЁШ ВАТАНПАРВАРЛАР ЙИҒИНИ

Қорақалпоғистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси ва Нукус ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида туман (шаҳар)ларда истиқомат қилиб келаётган доимий иш жойига эга бўлмаган ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 100 нафар уюшмаган ёшлар иштирокида “Ёш ватанпарварлар йиғини” тадбири ташкил этилди.

Унда ёшлар 3 кунлик муддатга Миллий гвардиянинг минтақавий ўқув марказига жалб қилиниб, улар иштирокида концерт дастурлари, спорт ва от миниш, камондан отиш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Йиғин давомида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Нукус ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан ўқув машғулоти ўтказилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги янгилликлар ҳамда ёшларга яратилаётган имтиёزلар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбирлар якунида кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этган ҳамда голибликни қўлга киритган ёшларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Даурен ТУРУМБАЕВ, Нукус ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия майори.**



## ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА

Сирдарё вилояти ФВБда ўтказилган семинар коррупция ва унинг хатарли омиллари, ушбу иллатга қарши кураш тадбирларига бағишланди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ДХХ вилоят бўйича бошқармаси, Гулистон ҳарбий прокуратураси масъул ходимлари иштирок этган мазкур семинарда, энг аввало, шахсий таркиб ўртасида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилиши, шунингдек, коррупция ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида сўз юритилди.



## ДАВРА СУҲБАТИ

Сирдарё вилояти ФВБда Гулистон ҳарбий прокуратураси ва мутасадди ташкилот ходимлари иштирокида “Коррупция — жамият кушандаси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбат давомида масъуллар республика-мизда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, бу йўналишда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар бериб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда ҳарбий хизматчиларни ижро ва ҳарбий интизомга қатъий риоя этишлари, ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришлари, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши мurosасиз курашиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

**Равшан ЖАЛИЛОВ, Гулистон ҳарбий прокурори, адлия подполковниги.**

Тадбир давомида масъуллар ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги тахлилий маълумотларни ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, юртимизда коррупциявий ҳолатларга мurosасиз муносабатни шакллантириш мақсадида қабул қилинаётган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти иштирокчиларга тушунтириб ўтилди.

Бундан ташқари, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қўл остидаги шахсий

таркиб ўртасида ижро интизомини сақлаш, турли жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик тўғрисида ҳам зарур тавсия ва тушунчалар бериб ўтилди.

**Фазлиддин ХОДЖАЕВ, Сирдарё вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, майор. Равшан ЖАЛИЛОВ, Гулистон ҳарбий прокурори, адлия подполковниги.**

## ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА

Бухоро вилоятининг Вобкент тумани маданият бўлимида Бухоро ҳарбий прокурори, Миллий гвардия вилоят кўриқлаш бошқармаси, вилоят Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари иштирокида аҳоли ва ёшлар билан сайёр қабул ташкил этилди.

Қабулда ҳарбий хизматга жалб этилганлар, ҳарбий пенсионерлар ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар, чақирилувчилар, уларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

Фуқаролардан ҳарбий қисмга ишга кириш, хизмат сафарига бориш, прокуратура ва миллий гвардия хизматлари билан боғлиқ 50 га яқин мурожаатлар тингланб, зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди. Шу қаторда, ишга кириш тартиблари ҳам тушунтирилди.



Тадбир давомида 3 та муаммо жойида ҳал қилиниб, 7 та мурожаат ижроси назоратга олинди. Қолган мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

**Жаҳонгир ТИНЖИБОЕВ, Бухоро ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия лейтенанти.**



## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари орасида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ўртасидаги ҳамкорлик доирасида институт магистратура талабаларининг билим юртига ташрифи уюштирилди.



Ташриф мобайнида магистратура талабалари билим юртининг жанговар тажрибаларга бой бўлган шонли тарих саҳифалари ва энг сўнгги замонавий фан-техника ютуқлари ёрдамида жиҳозланган ўқув-моддий базаси билан яқиндан танишиб чиқдилар. Шунингдек, Чирчиқ ОТҚМБЮ профессор-ўқитувчилари ва курсантлари томонидан билим юртида мавжуд замонавий жанговар машиналар ва техникалар, ўқ отар қуроллар ва гранатомётларнинг тактик-техник тавсифлари, имкониятлари кўргазмалари равишда таништирилди.

Институт магистрантлари ўзларининг ўқ отар қуроллар билан ҳаракат қилиш борасидаги амалий кўникмаларини ўқ отар қуролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш ва панорамали тренажёрларда ўқув отиш машқларини амалий бажариш ўқув жойларида мустақамлаб, яхши ва аъло натижаларни қайд этишди. Синов натижаларига кўра, ҳарбий хизматчилардан подполковник Ў.Ҳақимов, подполковник Л.Ражабов, подполковник Б.Ражаббоевлар ўқ отиш машқлари бўйича ҳамда подполковник Ш.Саркаев, капитан Ф.Юлдашев, катта лейтенант Н.Каримовлар ўқ отар қуролларини нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш меъёрларини бажариш бўйича аъло баҳоларни қайд этдилар.

**Шухрат ТУРДИЕВ,**  
ФВВ Академияси ҳузуридаги  
ФМИ катта ўқитувчиси.

## ҲАРБИЙНИНГ БИР КУНИ

ФВВ Академиясида “Ҳарбийнинг бир кунини” шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизнинг А.П.Хлебущкина номидаги 22-меҳрибонлик уйи тарбиячилари ва тарбияланувчилари, ФВВ Академияси фахрийлари, профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар, курсантлар, ФВВ матбуот хизмати ходимлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.



Тадбир давомида ёшлар Академия курсантларининг кундалик ҳарбий хизмат фаолиятини ҳис қилган ҳолда, реал кунлик ҳарбий хизматни ўташ тартиби билан яқиндан танишдилар.

Дастлаб курсантларнинг эрталабки “Уйғон” командасидан бошланадиган хизматга киришган бир гуруҳ ёш ҳаваскор ҳарбийлар, аввало, ётоқхона ўрин-жойларини тартибга келтириш ҳамда эрталабки бадантарбиядан бошлашди. Сўнгра ювиниш, эрталабки нонушта, саф тайёргарлиги жараёнларига навбат берилди.

Махсус ўқув ҳарбий қурол-аслаҳалар ва куч-воситалар, ёнғин ва кутқарув хизматида фойдаланиладиган техникалар, махсус асбоб-анжомларнинг кўргазмалари намойишлари, курсантлар иштирокидаги ўқув минорасининг 4-қаватидан ўз-ўзини кутқариш ҳамда ишғол қилиш нарвони ёрдамида 4-қаватга кўтарилиш машқининг намойиши, курсантлар томонидан ёнғин ўчириш амалий спорт буйича жанговар ёйилиш, махсус ёнғин-кутқарув автомобилларининг кўргазмалари намойиши ҳамда курсантларнинг қўл жанги бўйича

чиқишлари ёшларнинг ҳарбийлик иши ва кутқарувчилик касбига бўлган қизиқишларини янада оширди.

Айниқса, мардлик, жасурлик, фидойилик ва матонат каби фазилатларни ўз ичига олган фильмлар намойиши, шунингдек, Академиянинг оркестр жамоаси томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар уларнинг истеъдодларини намойён қилишга ундади, десак муболаға бўлмайди.

Тушликдан сўнг турли тўғарақлар мисолида ташкил этилган соҳага тааллуқли ва баддий китоблар мутолааси, дўстона спорт мусобақалари ҳамда ҳаваскор ижодкорларни ўз ичига олган қизиқарли машғулотлар уларнинг яна бир бор ҳарбий соҳага бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилди.

Тадбир якунида ёшларга ФВВ Академияси раҳбариятининг сертификатлари ва ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғалари тантанали топширилди.

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,**  
ФВВ Академияси катта  
ўқитувчиси, майор.

Сирдарё вилояти ФВВ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказида вилоятнинг ташкилот ва корхоналари, муассасалари раҳбарлари ва ишчи-ҳодимларига тасдиқланган режаларга мувофиқ ўқув машғулоти ўтказиб келинмоқда.

## ФМ сабоқлари

Ўқув дарсларида тингловчиларга “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари”, “Зилзила содир бўлганда хавфсизлик чораларини кўриш”, “Фуқаро муҳофазасини бошқариш”, Табиий офатлар жараёнида аҳолини кўчириш”, “Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, “Тинчлик даврида фавқулодда вазиятларни башоратлаш”, “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи” каби мавзуларда маърузалар ўқилиб, ахборот ва маълумотлар слайдлар ҳамда фильмлар орқали тушунтириб келинмоқда.

Шунингдек, таълим муассасаларида “Фуқаро муҳофазаси” синфлари ташкил этилиб, тарбиявий соатлар дастурига фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча дарслар киритилиши юзасидан вилоят Халқ таълими бошқармасига таклифлар ишлаб чиқилди ва тақдим этилди.

**И.ЗГАМБЕРДИЕВ, О.ШОМИРЗАЕВ,** Сирдарё вилояти ФВВ ходимлари.

## БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК!

ФВВ Академиясида “Турар жой ва жамоат биноларида ёнғинлар профилактикасининг самарадорлиги” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Шунингдек, битирувчи курсантларга ёнғин-тактик ўқув машғулоти ва ушбу объектлар раҳбарлари ўрта-сида тушунтириш ишларини ташкил этишга доир комплекс тадбирларини ўтказиш тартиб-қоидалари, марказий ва вилоят телеканалларида ёнғинлар билан боғлиқ ҳодисаларни ёритиш бўйича махсус ахборот кўрсатувларини тайёрлаш, эфирга узатиш жараёнлари, шу билан бирга,

Унда Тошкент вилояти ФВВ, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани, Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани ФВ бўлимлари ҳарбий хизматчилари, ФВВ Академияси ҳарбий хизматчилари ва курсантлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар “Аҳоли яшаш хонадонларида ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари”, “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазасини ташкиллаштириш” мавзуларида маърузалар қилдилар.

аҳоли турар жойларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, ис газидан заҳарланишнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар юзасидан тушунчалар берилди.

Тадбир якунида маърузачилар томонидан курсантларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,**  
ФВВ Академияси катта  
ўқитувчиси, майор.  
**Улуғбек ХУСАНОВ,**  
5-босқич курсанти.

## СЕМИНАР

Навоий шаҳридаги А.Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида “Сув ҳавзаларида чўмилиш қондаси – саломатлик ва хавфсизлик гарови” мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.



Унда вилоят ФВВ, ИИБ, ССБ, шунингдек, ҳокимликлар, вилоят СЭО ва ЖСБ ходимлари, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят Халқ таълими, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари, оромгоҳлар раҳбарлари, чўмилиш бўйича йўриқчилар, “Қуйи Зарафшон” ИТХБлар масъул ходимлари иштирок этдилар.

Семинар 5 босқичда ўтказилиб, асосий эътибор очик сув ҳавзалари ва каналлар яқинида

жойлашган аҳоли ўртасида ҳамда чўкиш билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилган ҳудудларда назорат-профилактика тадбирларини кучайтиришга қаратилди. Шунингдек, сувда чўкиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тегишли ташкилотларга чўмилиш тақиқланади “Чўмилиш тақиқланади” ва “Купатся запрещено” ёзувлари бўлган белгиларни ўрнатиш бўйича топшириқлар берилди.

Амалий қисмда бошқарманинг сувда кутқарув гуруҳи асбоб-анжомлари кўргазмаси ҳамда сувда чўкаётган инсонни кутқариш тартиби юзасидан амалий ҳаракатлар кўрсатиб ўтилди.

**А. БОЗОРОВ,**  
Навоий вилояти ФВВ  
ҲФХҲМ бошлиғи, капитан.  
**Ҳ. ҲАМРОЕВА,**  
катта ўқитувчи.



## МАКТАБДА МАШГУЛОТ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Думалоқ» МФЙ ҳудудидаги 1-касб-ҳунар мактабида «Бўстонлиқ тумани бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий қуйи тизимларининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлари» мавзусида қўмондонлик-штаб ўқув машқи бўлиб ўтди.

Мазкур ҚШҲМда маҳалладаги «4P12 – Бектемир, Чирчиқ, Ғазалкент шаҳарлари, Чорбоқ кўрғони» автомобиль йўлининг 54-километрида ФВДТ таркибига кирувчи барча корхона, ташкилотлар раҳбар ва ходимларига фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракатланиш бўйича йўриқномалар берилди.



«Бештут» МФЙдаги 16-умумтаълим мактаби ҳудудида ва «Фазогир» МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли аҳоли яшаш уйларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирларига бағишланган ўқув машқлари ўтказилди.

**Ш.ИСАБОВ,**  
Тошкент вилояти  
ихтисослашган кўп тармоқли  
бошқарма бошлиғи,  
подполковник.

## БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Андижон Биокимё заводи» АЖ биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинмаси 25-ёнғин-қутқарув қисми навбатчи сменалар шахсий таркиби билан ёнғин хавфсизлигини таъминлашга бағишлаб 10 мартаба ёнғин ўчириш амалий-тактик машғулотлари ўтказилди.

Жумладан, Жамиятнинг 1-навбат спирт ишлаб ишлаб чиқариш цехига қарашли биносидан қисм шахсий таркиби ҳамда ушбу масканнинг ишчи-хизматчилари иштирокида бионинг 2-қаватида содир бўлган шартли ёнғинни бартараф этиш, инсонлар ва моддий-товар бойликларни хавфсиз жойга эвакуация қилиш бўйича ёнғин ўчириш амалий машғу-



лоти бўлиб ўтди.  
Унда шахсий таркиб ҳамда

28 нафар маскан ишчи-хизматчилари иштирок этдилар. Машғулот якунида йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил қилиниб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан тушунчалар берилди.

**Қ.УЗОҚОВ,**  
«Андижон Биокимё заводи» АЖ БЎХТТЭБ  
катта инспектори, капитан.

## АМАЛИЙ СИНОВ

Qashqadaryo viloyatida ham ko'p qavatli binolarda yong'in xavfsizligini ta'minlash bo'yicha bir qator tadbirlar amalga oshirilmoqda.



Ta'kidlash lozimki, ko'p qavatli bino va inshootlarda qidiruv-qutqaruv ishlarini amalga oshirish bir muncha mashaqqatli vazifalardan hisoblanadi.

Qarshi shahridagi 7 qavatdan iborat bo'lgan «Qarshi» mehmonxonasida shartli yong'indan insonlarni qutqarish va oqibatlarini bartaaraf etish yuzasidan o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Unda qutqaruvchilarning baland qavatli binolardan fuqarolarni qutqarish borasidagi bilim-malakalari sinovdan o'tkazildi.

**Nodir NURMATOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB  
Tezkor boshqaruv markazi boshlig'i,  
podpolkovnik.

## ШАРТЛИ ТАРЗДА КЎРИЛДИ

Фарғона шаҳрида «Маймун чечаги» касаллигининг аҳоли ўртасида эпидемик тарзда тарқалиб кетишининг олдини олиш мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув-машқи бўлиб ўтди.

Фарғона халқаро аэропортида ўтказилган ушбу ўқув машқида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамсат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутахассисларининг ҳаракатлари назарий ва амалий босқичларда ташкил этилди.

Машқлар давомида шартли вазиятга кўра, «Маймун чечаги» касаллиги билан оғриган шахсларни аниқлаш, бирламчи ташхис қўйиш ҳамда бу ҳақда тегишли хизматларга хабар бериш, беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва шифохонага эвакуация қилиш, фавқулодда вазиятлар содир бўлган ҳудудларда назо-

рат ўрнатиш каби жараёнларнинг амалда бажарилиши кузатиб берилди.



Тадбир давомида аҳоли ва ҳудудларнинг эпидемик ҳолатини ўрганиш, самарали тарғибот ишларини амалга ошириш, касалликдан сақланиш қоидаларига амал қилиш бўйича курсатмалар берилди.

**А.АЛИЖОНОВ,**  
Фарғона вилояти ФВБ  
ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи,  
катта лейтенант.

Бухоро минтақавий темир йўл узелига қарашли Самарқанд тиклаш поезди корхонасида «Вилоят ҳудудидан ўтувчи темир йўл изларини зарар етиши ва ҳаракатланиб кетаётган цистернада кучли таъсир этувчи заҳарли модда (аммиак) сизиб чиқиши билан боғлиқ авария ва ёнғин оқибатларини бартараф этишда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг шаҳар ФВДТ билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари» мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

## ТЕМИР ЙЎЛДА ЎҚУВ МАШҚИ



Кейинги босқичларда ҳам ўқув машқи режасида белгиланган амалий ҳаракатлар кўриб чиқилди.

Сўнги босқичда суолтирилган газ ортилган цистернада ҳаво ҳароратининг кескин исиб кетиши натижасида цистерна кранларидан юқо-

ри босимдаги газ чиқиши кузатилди. Вазиятга кўра, ёнғин-қутқарув экипажлари ва ўт ўчириш поезди воқеа жойига етиб келди. Ортиқча газ босимидан ёнғин ва чақнаш келиб чиқмаслиги учун зудлик билан цистерна устига сув пуркаш ишлари ва жабрланувчини хавфсиз ҳудудга олиб чиқиш ишлари бажарилди.

Ўқув машқи якунида амалга оширилган тадбирлар ўзаро муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш юзасидан соҳа мутахассислари томонидан зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

Иккинчи босқичда шартли вазиятга кўра, Жомбой темир йўл станциясида ҳаракатланиб келаётган поезд вагонлари остига номаълум шахс томонидан қаттиқ жисм ўрнатилиши натижасида цистерналардан бири издан чиқди ва темир йўл изларига зарар етди. Аммиак кимёвий моддасининг сизиб чиқиш ҳолати содир бўлди. Шунга кўра, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишлари амалга оширилди.

**Илҳомжон БОҚИЕВ,**  
Самарқанд вилояти ФВБ  
ахборот хизмати  
бошлиғи, лейтенант.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини янада ошириш, уларнинг касбий тайёргарлик даражасини баҳолаш мақсадида Фарғона вилояти ФВБда кўргазмали ўқув семинар ўтказилди.

## КЎНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ



Семинар доирасида Миллий гвардия Фарғона вилояти бошқармаси масъул ҳарбий хизматчилари томонидан ўқотар курулларнинг жанговар хусусиятлари, қўлланилиши ҳамда тактик-техник тафсилотлари бўйича машғулотлар ўтказилди.

Тадбирда бошқарма ҳарбий хизматчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бир қаторда, амалий машқ жараёнларида ўз қобилият ва имкониятларини ҳам амалда яққол намоён этдилар.

**Х.БЎТАБОВЕВ,**  
Фарғона вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, подполковник.



## ПРОФИЛАКТИК ТАДБИР

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ФВ бўлими томонидан 17-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирокида чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳолатларнинг олдини олишга бағишланган профилактик тадбир ўтказилди.



Тадбир давомида чўкиш ҳодисасининг олдини олиш учун амал қилиниши лозим бўлган қоидалар эслатилиб, белгиланмаган жойларда чўмилиш ҳаёт учун муқаррар хавф келтириши айтиб ўтилди.

Шунингдек, чўмилиш вақтида чўкиш хавфи юзага келганда ўзини йўқотмаслик, бу каби ҳолатлардан қай тарзда чиқиб кетиш усуллари ўргатилди.

Учрашув давомида ўқувчилар

томонидан тушган саволларга мухтаassisлар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,**  
Сирдарё вилояти ФВБ  
ахборот хизмати бошлиғи,  
катта лейтенант.

**Сардорбек ШЕРМАТОВ,**  
Оқолтин тумани ФВ  
бўлими НТБ бошлиғи,  
катта лейтенант.

“Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонасида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази қўйи тизимлари томонидан ҳозирги кунда Навоий вилояти ҳудудидаги “Сармиш”, “Зарафшон”, Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган “Сўғдиёна”, “Болажон”, “Келажак” ҳамда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган “Паҳлавон” стационар соғломлаштириш болалар дам олиш масканлари қўриқланади.

## ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Ушбу оромгоҳларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида ёзги дам олиш оромгоҳларининг 300 нафарга яқин ишчи-хизматчилари, тарбиячилар ва етакчилари иштирокида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича суҳбат ва йўриқномалар ўтказилди.

Дам олиш оромгоҳларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида мавжуд муаммо, камчилик ва нуқсонлар бўйича марказ қўйи тизимлари томонидан “На-



воий кон-металлургия комбинати” жамғармаси раҳбарияти ва маскан раҳбарларига ёнғин хавфсизлиги тадбирларини бажариш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилувчи 15 турдаги 300 нусхада эслатма, буклет ва плакатлар ишлаб чиқилиб, тарқатилди ҳамда оромгоҳларнинг кўзга кўринарли жойларига ўрна-тиб чиқилди. Шу жумладан, соҳа ходимлари томонидан масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилувчи бурчаклар ташкил этилди.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
НКМК Ёнғин хавфсизлиги-  
ни таъминлашни ташкил этиш  
гуруҳи бошлиғи,  
катта сержант.

Маълумотларга кўра, Наманган вилояти бўйича 2022

йилда жами 8000 нафар болалар шаҳардан ташқарида жойлашган 7 та болалар ёзги оромгоҳларида ҳамда 10000 нафар болалар мактабларда ташкил этиладиган 67 та кундузги соғломлаштириш муассасаларида дам олишларини ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда оромгоҳларда ёнғин-қутқарув, тез тиббий ёрдам

## ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

ва бошқа махсус техникаларнинг монеликсиз ҳаракатланиши учун шароитлар йўлга қўйилиши ҳамда фавқулодда вазиятларда болаларни эвакуация қилиш йўллари ташкил этилиши ва ёз мавсумида болаларни таътилдаги вақтида доимий иш тартибда бўлишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Оромгоҳ бошлиқлари ва тарбиячи-педагогларнинг фавқулодда

вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси бўйича тайёргарлигини ошириш бўйича уларни фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш, жабрланганларга биринчи ёрдам курсатиш, ўт учирини воситаларида фойдаланиш қоидалари ва

усулларига ўргатиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Айни мақсадда оромгоҳ бошлиқлари ва тарбиячи-педагоглар билан ёзги соғломлаштириш мавсуми олдида оромгоҳларга бириктирилган педагог-ҳодимлар учун семинар ва ўқув-машғулотлар ташкил этилди.

Унда Халқ таълими бошқармаси, вилоят Касаба уюшмалари ташкилот-



лари бирлашмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, “Баркамол авлод” болалар мактаби ҳамда вилоят ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ҳамкорлигида ўтказилган мазкур семинар ва ўқув-машғулотларида 120 нафардан зиёд педагог-ҳодимлар иштирок этди.

Семинарларда оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни мазмунли

соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил этиш, оромгоҳларда ташкил этилган кутубхоналарни

лотин ёзувидаги баддий, ижтимоий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди, семинар давомида маърузалар ўқилди, шунингдек, тингловчиларга фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, ёнғинларга олиб келадиган омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, улар содир бўлганда тўғри

ҳаракат қилиш усуллари ўргатилди.

Машғулотлар якунида тингловчиларга вилоят “Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотлари учун услубий тавсиялар” китоби, эслатмалар ва гувоҳномалар тарқатилди.

**А.ХОЛДАРОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ  
ҲФХУМ ўқитувчиси.

## QOIDALARGA RIOYA QILING

**Xavfsizlik nuqtai nazaridan ta'qiqlangan, oqimi tez kanallar, anhorlarda cho'milish mumkin emas. Qolaversa, mazkur suv havzalari o'zanida o'tkir uchli toshlar va gidroinshootlarni tozalash davrida texnikalarning ayrim qismlari, ya'ni metall detallari sinib va cho'kib qolgan holatlar mavjudligi bois fuqarolarning og'ir jarohatlar olishi ehtimoli juda yuqori.**

Cho'kish bilan bo'lgan holatni 45 foizida bolalar va voyaga yetmagan o'smirlarni o'limi qayd etilgan. Oila boshiga tushgan o'nglab bo'lmas bu musibatli holatlar biz yuqorida qayd etgan xatarli havzalarda bolalarning qarovsiz qoldirilishi, ular esa o'z xavfsizligini ta'minlaydigan darajada suzish qoidalarini yaxshi bilmasligi bilan bog'liqdir. Qo'riqlanmaydigan havzalarda cho'milish oqibatida inson hayoti fojiali yakun topishi kishi yuragini larzaga keltiradi.

Ta'kidlash kerak, tezoqar kanal va anhorlarda cho'milishga ruxsat berilmasligining yana bir sababi bor. Mazkur irrigatsiya, ya'ni sug'orish inshootlari loyqa suvlarida cho'milgan bolalarda teri va tomoq, qorin tifi, dizenteriya, solmonellyoz va parazitlar gijja kasalliklariga chalinish va quyosh ostida yurishlari oqibatida oftob urishi qayd etilmoqda. Ular hayoti va sog'lig'ini xavf ostiga qo'yadigan bunday holatlarning oldini olishda

profilaktik tadbirlar, xususan, kishilar dunyoqarashi, tibbiy madaniyatini oshirishning ahamiyati katta. Shuning uchun ham joylarda, ayniqsa, ilgari cho'kish oqibatida inson hayoti zavol topgan mahalla fuqarolar yig'inlari hududlarida bo'lib, aholi, yoshlar va jamoatchilik vakillari bilan targ'ibot, tushuntirish ishlarini olib boryapmiz.

Lekin boshqa bir muhim jihat ham bor. Tezoqar va ruxsat etilmagan kanal hamda anhorlarga muqobil, ya'ni suv tarkibi laboratoriyada o'rganiladigan, cho'milish xavfsizligini nazorat qilish barobarida hududi qo'riqlanadigan ochiq suv havzalari tarmog'ini kengaytirish lozim. Bu vaqt va katta mablag' talab qiladigan loyiha. Gap inson manfaatlarini va hayoti-yu sog'lig'i haqida borar ekan, bu masala mablag'dan-da muhim, albatta.

**Rafiqjon ISROILOV,**  
Quva tumani FV bo'limi  
bo'linma boshlig'i, leytenant.

## CHO'MILISH XAVFSIZLIGI

**Yozning jazirama kunlari insonlar soya-salqin joylarga talpinadi. Ayniqsa, bunday paytda mazza qilib cho'milish tanaga huzur bag'ishlaydi.**

Sun'iy suv havzasida nazoratchilar kelganlarning salomatligi borasidagi ma'lumotnomasiz cho'milishga ruxsat bermasligi lozim. Tibbiy ko'rik-



dan o'tganlik to'g'risidagi ruxsatnoma 3 kungacha amal qiladi. Sun'iy suzish havzalarida cho'milishdan oldin kishi zaruriy ko'rsatmalarga amal qilishi va

albatta, maxsus kiyim (rezina shlyapa, cho'milish kiyimi, rezina oyoq kiyimi, ko'zoynak)lardan foydalanishi lozim. Bu suvning gigiyenik holatini yomonlashishdan saqlaydi.

Basseynlarning kafellari sirpanchiq bo'lsa, bu suvning eskirganidan dalolat beradi. Bunday havzalarda suv uch kunda almashtirilib borilishi lozim. Ota-onalar o'z farzandini aslo kattalar uchun mo'ljallangan suv havzalarida cho'miltirmasligi kerak. Basseyn suvi 22-23 darajadan oshmasligi lozim. Sovuq suvda cho'milish tomir tortishishiga olib kelishi mumkin.

**B. ABDULLAYEV,**  
Sirdaryo tumani FV bo'limi  
bo'linma boshlig'i,  
podpolkovnik.

**Husan BERDIEV,**  
bo'lim boshlig'i o'rinbosari  
P va NB boshlig'i, kapitan.



## ХОТИРЖАМЛИК УЧУН

Жорий йилнинг 11 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида “Тошқин, сел, қор ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” видеоселектр йиғилиши бўлиб ўтган эди.



Мазкур йиғилиш ижросини сифатли ва юқори савияда таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти ФВБ ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятда фавқулодда вазиятлар хавфи мавжуд ҳудудлардан аҳоли ҳўжаликларини кўчириш билан боғлиқ амалий тадбирлар ташкиллаштириб келинмоқда. Мазкур ишларга ФВДТга кирувчи хизматларнинг куч ва воситалари, махсус-муҳандислик техникалари жалб этилиб, вилоят ҳўқимлиги то-

монидан хавфсиз ҳудудга кўчирилган фуқароларга якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаси ажратиш ва курилиш хом ашёлари билан таъминлаш, коммунал тармоқларни барқарорлаштириш, шунингдек, мутасадди соҳалар ходимлари томонидан профилактик тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

**Отабек РАҲМОНОВ,**  
**Қашқадарё вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, подполковник.**  
**Ўткирбек ЮЛДАШЕВ,**  
**Деҳқонобод тумани ФВБ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.**

## САМАРАЛИ ЎТДИ

Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманида ўтказилган “Чоршанба – фавқулодда вазиятлар профилактикаси куни” тадбири давомида давлат ва жамоат ташкилотлари, кўп қаватли уйлар ва курилиш биноларини кўздан кечириш, фуқароларга хавфсизлик қоидаларини тушунтириш ҳамда аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.



Жумладан, туманининг “Сарбозор” маҳалласи Бешбола ва Кўшсарой қишлоқларида ўтказилган профилактик тадбирлар давомида 412 та хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилиб, 71 та камчилик аниқланди ва уларнинг 57 таси жойида бартараф этилди.

Ўрганишлар давомида газ ва электр ускуналари кўздан кечирил-

ди, 3 та трансформатор техник куриқдан ўтказилди, 1 минг 211 нафар фуқаро билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, болаларни қаровсиз қолдирмаслик бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Хавфсизлик чоралари акс этган 400 дана эслатма тарқатилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,**  
**Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, капитан.**

**Баҳодир НОРБОБОВЕВ,**  
**Фаллаорол тумани ФВБ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.**



Тошкент вилояти ФВБ Оҳангарон тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан маҳаллалар кесимида инсонлар саломатлигига хавф юқори бўлган чўмилиш ҳавзалари аниқланиб, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

## САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Тушунтиришлар давомида ота-оналарга ёш фарзандларини асло катталар учун мўлжалланган сув ҳавзаларида чўмилишмаслик, балки болажонларни шаҳримиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган, барча шарт-шароитларга эга, махсус текширувлардан ўтказилган, хавфсизлик таъминланган чўмилиш ҳавзаларида дам олдириб лозимлиги қайта-қайта ўқитилиб, бу борада зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилмоқда.

**У.ШЕРМУРАТОВ,**  
**Тошкент вилояти ФВБ ходими, подполковник.**



“Zarafshon tekstil” ishlab chiqarish korxonasida favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish va yong'inlarning oldini olish bo'yicha o'quv seminari bo'lib o'tdi.

## НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ

Unda Samarqand viloyati FVB Hayot faoliyat xavfsizligi o'quv markazi o'qituvchilari o'z maruzalari bilan qatnashib, favqulodda vaziyat vaqtida qanday harakat qilish, o'zini o'zi qutqarish, jabrlanganlarga qay tarzda birinchi amaliy yordam berish kerakligini tushuntirib o'tdilar.

Bundan tashqari, ishlab chiqarish korxonasi ishchilari va sex boshliqlariga ish faoliyati davomida favqulodda vaziyat yoki yong'in yuzaga kelgan vaqtda qanday harakat qilish kerakligi xususida tushuntirish ishlari olib borildi.

**S.ADILOV, A.TURDIQULOV,**  
**Samarqand viloyati FVB HFXO'M o'qituvchilari.**

## КУРИЛИШДАГИ ТАЛАБЛАР

Ҳозирги кунда Қўйичирчиқ туманида янгидан-янги турар ва нотурар жой бинолари, Президент мактаблари ва мактабгача таълим бўлиmlари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларига қарашли объектлар курилмоқда.



Янгидан куриляётган ва қайта таъмирланаётган, реконструкция қилинаётган масканларнинг курилиш майдонларида ва биноларида ишлаётган, вақтинчалик дам олиш жойларида яшаётган курувчиларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмаслик ва барпо этиляётган биноларга ёнғиндан катта моддий зарар етказмаслик мақсадида курилиш ташкилотлари раҳбарлари ва ишчи-хизматчилари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш лозим.

Курилиш ишлари олиб бориляётган биноларга борадиган ёнғин ўчириш автоуловининг йўллари тўсиқлар билан тўсиб қўйилмаслиги, электр сим кабелларини тартибсиз ҳолатда қолдирмаслик, иш вақти тугагач, электр сим кабелларини манбадан узиш, бинонинг ёнғинга қарши сув манбалари билан таъминланиши, очик олов ёқилишига йўл қўймаслик, курувчилар дам оладиган жойларда қўл-бола электр иситгич ва қайнатгичлардан фойдаланмаслик, курилиш майдончалари ва вагонлар бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланиши ҳамда курилиш давомида янги куриляётган ва қайта таъмирланаётган масканларда курилиш меъёр ва лойиҳада кўрсатилган ёнғинга қарши чора-тадбирларга тўлиқ амал қилиниши керак.

Маскан ҳудудларидаги биноларга ёнғин ўчириш автоуловлари кирадиган йўллارни барпо этиш, ёнғинга қарши сув таъминоти, ёнғиндан автоматик равишда хабар берувчи мосламалар масканни давлат қабул қилиш комиссиясига топширгунга қадар тўлиқ бажарилиши шарт.

Халқ ҳўжалигидаги барча ютуқларни асраш ва уни кўпайтиришга ҳисса қўшиш ҳар бир ташкилот ва идора меҳнат жамоаси, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

**Э.ЖУМАБОВЕВ,**  
**Қўйичирчиқ тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, лейтенант.**  
**Ш.ШЕРҚУЛОВ,**  
**Олмалик шаҳар ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, лейтенант.**

## УМУМИЙ ВАЗИФА

Янги курилишларни назорат қилишда Пискент туман ФВ бўлими ходимлари масъулият билан ёндашиб келмоқда. Хусусан, жойларда курилиш меъёр ва қоидалари, бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва куриш даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қўлланма ва тавсиялар муҳокама қилиниб, ишчи-ходимларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича тушунтиришлар берилмоқда.

Ёнғинлар сабаби таҳлил қилинганда унинг юз беришига кўпинча хавфли турдаги ишларни олиб бориш вақтида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг бузилиши сабаб бўляётганлигини кўрсатмоқда. Кўпинча ёнғиннинг юз беришида қўл остида ишлаётган ишчиларнинг устидан етарли назорат ўрнатмаган мутахассислар ва курилиш ишларини бошқарувчи раҳбар ходимларнинг ҳам бевосита улуши бор.

Янги курилиш масканларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки курилишга алоқадор бўлган ҳар бир мансабдор шахснинг, оддий курувчи ва ишчиларнинг бурчидир.

**Эркин АБДУХОЛИҚОВ,**  
**Пискент тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи.**

## МУРОЖААТГА КўРА...

Жиззах вилояти ФВБ Тезкор бошқарув марказига Шароф Рашидов тумани “Яхтанлик” маҳалласида яшовчи фуқаро мурожаат қилиб, унинг хонадонига илон кириб қолганлигини маълум қилган.

Мазкур мурожаатга кўра, кутқарувчилар зудлик билан воқеа жойига етиб бордилар ва тезкор ҳаракатлар натижасида заҳарли илон тутилиб, хавф бартараф этилди.

**Ёдгор ҚОДИРОВ,**  
**Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати ходими.**





Наманган вилояти Косонсой тумани “Соҳил” ёзги болалар оромгоҳида вилоят Фавкулдада вазиятлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда 2022 йилги ёзги мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ташкилотчилар ва уларга жалб этиладиган ходимлар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

## МАЛАКАЛАР ОШИРИЛДИ

Унда вилоят ҳоқими ўринбосари Фуломжон Муродхўжаев, Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рустамжон Исроилов, Фавкулдада вазиятлар бошқармаси бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов, туман (шаҳар) ҳокимларининг ёшлар сийёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, вилоят Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар бошқармалари масъул ходимлари, оромгоҳлар директорлари, бош тар-

биячилари, спорт йуриқчилари, тиббиёт ходимлари, Касаба уюшма кўмиталари раислари, тармоқ Касаба уюшмалари Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчилари, меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари раҳбарлари, Касаба уюшма фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.



Тадбир давомида болажонларнинг дам олиш вақтини мазмунли

Оромгоҳдаги замонавий жиҳозлар билан таъминланган ётоқ павильони, ёзги амфитеатр, сузиш ҳавзаси, спорт мажмуаси, ташқи ва ички ўйингоҳлар ҳамда ошхонада ташкил этилган қулай шарт-шароитлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Наманган вилояти ФВБ матбуот хизмати.

## ҚАЛТИС ЙЎЛ

С.С. маълум муддат Тошкент шаҳридаги МЧЖлардан бири томонидан олиб борилаётган “Seul-Mun” номли қурилиш объектида ишланган. У ерда қанча миқдорда, қандай жойда қурилиш материаллари борлиги ва сақланаётганлигини яхши билган. Ишдан бўшагач, у бекорчи бўлиб қолди. Шу йилнинг январь ойи бошларида С.С. эски танишларига қўнғироқ қилиб, режасини айтади:

– Мен ишлаган қурилиш объектидан электр кабель олиб чиқсак, нима дейсизлар?!

– Гапингга қўшиламан, – дея унинг гапини қўллашди шериклари – Тўғриси айтсак, пулга муҳтож бўлиб турибмиз...

Учовлон режа тузишди. Иккитаси ичкаридан кабель олиб чиқадиган, учинчиси ташқарида қолиб, атрофни кузатадиган бўлди. Жорий йилнинг 10 январидан 11 январига ўтар кечаси уч шерик “Дамас” русумли машинага ўтириб, қурилиш объектига йўл олишди. Кўпчилик шу пайт ширин уйқуда эди. Улар олдиндан тузилган режага мувофиқ С.С. атрофни кузатиш мақсадида ташқарида қолди, қолган шериклари эса ичкарига кириб, қиймати 30 000 000 сўмга тенг бўлган 230 метрли электр кабелни ўғирлаб чиқиб, машинага юклашди. Эртаси куни улар ўғирланган электр кабелни номаълум шахсга 14 000 000 сўмга сотишди ва пулни ўзаро бўлиб олишди.

Н.М. мазкур қурилиш объектидаги қурилиш моллари ва бошқа буюмларнинг хавфсизлигига жавобгар шахс. 11 январь куни эрталаб у 230 метр электр кабель йўқлигини аниқлайди ва шундан кейин тегишли жойга мурожаат қилинади. Олиб борилган суриштирув ва тергов жараёнида мазкур ўғирликни С.С. ва унинг икки шериги содир этганлиги аниқланади.

Суд судланувчиларга жазо тури ва миқдорини тайинлашда уларнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги ва моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини эътиборга олди. С.С. ва унинг икки шеригига уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

25-26 ёшли қирчиллама йигитларнинг суднинг қора курсисидан ўтириши ачинарли ҳолат. Улар ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш ўрнига эгри йўлни танлашди. Қалтис йўл эса уларни шу ачинарли аҳволга олиб келди.

Темур ҚОСИМОВ,  
жиноят ишлари бўйича  
Яккасарой туман  
судининг судьяси.

## ЖАМОАТЧИЛИК КЎМАГИ

Божхона органларида коррупцияга қарши курашиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



“Самарқанд” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан ўтказилган давра суҳбатида айни мавзуга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда вилоят Божхона бошқармаси шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи Р.Ақбаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 17 февраль куни “2022 йилда божхона маъмуричилигини янада такомиллаштириш ва соҳани коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш бўйича устувор вазифалар” мавзусига бағишлаб ўтказилган йиғилишнинг мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис-

лар ва ТИФ иштирокчилари тамонидан товар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг олдини олиш мақсадида бошқарманинг тегишли бўлим ва гуруҳ бошлиқлари меъёрий ҳужжатлар мазмунини юзасидан тушунчалар бериб ўтишди.

Тадбир иштирокчиларига тизимда коррупцияга қарши курашишда жамоатчилиқнинг ҳам фаол кўмаги зарурлиги, божхона органлари барча амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан кўмак беришга тайёрлиги, бу борада Давлат божхона кўмитасининг “11-08” қисқа рақамли “Ишонч телефони” га куннинг исталган вақтида мурожаат қилиш мумкинлиги эслатиб ўтилди.

Самарқанд вилояти  
Божхона бошқармаси.

## ТАРҒИБОТ

Ҳозирда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мамлакатимиз миқёсида тарғибот ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ушбу тадбирларда ёнгиндан сақлаш мосламалари ва техникаларининг кўргазмалари ташкил қилиниб, иштирокчиларга уларнинг ишлаш механизмлари, ўзига хос хусусиятлари тушунириб ўтилмоқда.

Шунинг учун ҳар биримиз ёнгинга қарши кураш чораларига қатъий амал қилишимиз, газ ва электр иситиш воситаларидан хавфсиз, белгиланган қоидалар асосида фойдаланишимиз лозим. Бундан ташқари, уйда болаларнинг олов билан ўйнашларига йўл қўймаслик, жойларда хазон ва чиқиндиларни ёқишда хавфсизлик меъёрларига амал қилиш, газ ва электр мосламаларидан соҳ ҳолатда фойдаланиш, юртимизда олиб борилган ёнгинга қарши кураш тадбирларида фаол иштирок этишимиз, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўлишимиз лозим.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ҳар биримиз қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар юртимиз тинчлиги ва хотиржамлиги учун ўзимизни масъул сезишимиз, ёнгин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, юзага келганда уни бартараф этиш ишларида соҳа мутасаддиларига ёрдамчи бўлишимиз зарур. Зеро, ўз тинчлигимиз, халоватимиз ва хавфсизлигимиз ўзимизнинг қўлимизда эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Бурҳон МАХСУДОВ,  
Тошкент шаҳар ФВБ  
ходими, оддий аскар.

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida tahsil olayotgan xizmatchi va harbiy xizmatchilarni ma'naviy-intellektual salohiyatli, ong-u tafakkuri va dunyoqarashini yuksak etib tarbiyalashga alohida e'tibor qaratilmoqda.

## KITOB YARMARKASI

Jumladan, Samarqand shahridagi “Kitob olami” mas’uliyati cheklangan jamiyati xodimlari bilan hamkorlikda kitob yarmarkasi o'tkazildi. “Kitobga mehr” shiori ostida bo'lib o'tgan mazkur yarmarkada markazda tahsil olayotgan tinglovchilar badiiy, huquqiy, madaniy va ma'rifiy yo'nalishidagi kitoblarni xarid qildilar.

Sh.MAMATQULOV,  
FVV Akademiyasi huzurida-  
gi BTvaMOM katta ofitseri,  
mayor.



## O'QUV

Jizzax viloyati Zomin tumanidagi “Zomin” oromgohi-da viloyat FVB, Kasaba uyushmalari Federatsiyasi viloyat kengashi hamda FVDT xizmatlari va tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikda “Jizzax viloyati hududidagi sog'lomlashtirish oromgohlarida, sanatoriyalar va cho'milish havzalarida, dam olish uylarida sanitariya-epidemiologik va ekologik holatlar, yong'in xavfsizligini ta'minlash hamda ovqatdan zaharlanish kabi favqulodda vaziyatlarning oldini olish” mavzusida ko'rgazmali amaliy seminar o'tkazildi.

Seminar davomida sog'lomlashtirish oromgohlari, sanatoriyalar va cho'milish havzalari, dam olish uylari rahbarlariga favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish, sanitariya-epidemiologik, ovqatdan zaharlanish bilan bog'liq holatlarning oldini olish va barqarorligini ta'minlash yuzasidan soha mutaxassislari tomonidan nazariy va amaliy usulda tushunchalar berildi.



Seminar yakunida ko'rgazmali materiallar tarqatilib, ishtirokchilar tomonidan berilgan savollarga markaz xodimlari tomonidan atroflicha javob berildi.

B. MIRZAQOBILOV,  
Jizzax viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.  
B.QOBILOV, HFXO'M o'qituvchisi.

Shuningdek, oromgohlarda favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish, fuqaro muhofazasi va yong'in xavfsizligini ta'minlash yuzasidan uslubiy yodam ko'rsatildi.




## KUCHLI YOMG'IR VA MOMAQALDIROQDA HARAKATLAR

Bir necha kun davom etadigan yomg'ir yog'ishi, bir daqiqada 1 mm.dan ortiq yomg'ir yog'ishi kuchli yomg'ir deb ataladi. Ushbu hol transport harakatlarini falaj qiladi, yer osti yo'llarini, omborxonalarni suv bosadi.

Ular aholi o'rtasida psixologik noqulaylik tug'diradi. Ochiq havodagi odamlar uchun yomg'irning o'ta xavfli ta'siri mavjud.

Iloji bo'lsa, uyda yoki boshpanada qolishga harakat qiling. Shaxsiy himoya vositalaridan foydalaning (soyabon, bosh kiyim, yomg'irpo'sh).

Kiyim-kechak va poyabzal nam bo'lsa, darhol ularni almashtiring. Oziq-ovqat, dori-darmon, kiyim-kechak, poyabzal zaxiralari namlanishining oldini olish choralarini ko'ring. Favqulodda vaziyatlar vazirligi xizmatlarining xabarlarini doimo tinglang.



### Momaqaldiroq

Momaqaldiroq paytida uydan chiqmang, deraza-eshiklarni yoping. Suvda bo'lsangiz darhol suvdan chiqing, qirg'oqdan bo'lsangiz zudlik bilan uzoqlashing. Agar ochiq maydonda bo'lsangiz zudlik bilan eng yaqin binoda yashirining. Velosipedda yoki motosiklda bo'lsangiz, harakatni zudlik bilan to'xtating va momaqaldiroq tugagunga qadar ulardan taxminan 30 m. masofada kuting. Momaqaldiroq paytida tashqi atrof bilan bog'liq elektr kabellari, antennalar, derazalar, eshiklar va boshqa narsalardan uzoqroq turing, baland daraxtlar ostida turmang. Avtomobilda bo'lsangiz, uni tark etmang, derazalarni yoping, bu paytda harakat qilish tavsiya etilmaydi, chunki momaqaldiroq yo'l ko'rinishini yomonlashtiradi va yo'l transport hodisasiga olib kelishi mumkin.

**K. JUMAULOVA,**  
FVV Akademiyasi huzuridagi  
FMI o'qituvchisi.



### ЭХТИЁТ ШАРТ!

Чўмиламан, деб бормагин,  
Тақиқланган жойга, болам.  
Иссиқлаган ҳолда тушма,  
Муздекина сойга, болам.

Сузаверма ифлос сувда,  
Уйнамагин "пойга", болам.  
Бутана сув – кони зарар,  
Қоришасан лойга, болам.

Гапларимга кулоқ солмай,  
Қарамасанг "хой!"га, болам.  
Бошга ташвиш тушиб, ҳолинг  
Айланади "вой!"га, болам.

Таътил чоғи билим олсанг,  
Сен учасан ойга, болам.  
Пандим олсанг, айланасан,  
Тани сиҳат – бойга, болам.

**Санжар ИСМОИЛОВ,**  
ФВВ Академияси ҳузуридаги  
ФМИ ходими.



# Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқулдда**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

**Бош муҳаррир в.б.**  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

**Навбатчи**  
**Б.ВАЛИЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқлиниши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Катта дархон, 20-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6880 нуска

## КОИНОТНИ ЗАБТ ЭТГАН ИЛК АЁЛ

Валентина Терешкова коинотга якка ўзи парвоз қилган дунёдаги ягона аёл эканлиги барчамизга маълум. Юлдузлар томон парвоз фазогирнинг соғлиги учун жуда катта хавф туғдиришини жуда кам одам биларди. Бироқ, жасур 26 ёшли парашютчи спортчи киз 1963 йилнинг 16 июнида "Бой-кўнғир" космодромдан юлдузлар томон йўл олади.

Бугун сизга ушбу тарихий парвозга кўрилган тайёргарлик ҳамда аёл кишининг коинотга илк парвозидаги қизиқарли фактлар хусусида маълумот бермоқчимиз.

Парвозга ва бўлажак зўриқишларга тайёргарлик кўриш учун кизлар 70 даража ҳарорат, 30 фоизлик намлик остида термокамерада синовдан ўтишган. 10 сутка мобайнида ҳар бир номзод киз товушдан тўлиқ ихоталанган сурдокамерада ҳам бўлган.

Номзодлардан қай бири коинотга учиши сўнги паллагача номаълумлигича қолган — Терешкова кўрсаткичлар бўйича етакчи ҳам эмасди ва бошқалардан кескин фарқланмасди. Лекин тақдир уни совет космонавтилари ичра олтинчи, аёл фазогирлар ичра биринчи қилди.

Афсоналарга кўра, унинг чақирув исми "Чайка"ни Юрий Гагарин ўйлаб топган, парвоздан олдин "Эй осмон! Шляпангни еч" иборасини бугунги кунда бутун дунё биллади.

Ўзининг Ер орбитасига парвозини Терешкова қариндошларидан яшириб юрган. Унинг ота-онаси кизи парашютчилар мусобақасида қатнашарди, деб ўйлашган. Валентина аслида қаерга йўл олганини илк аёл фазогирнинг ота-онаси радиодан эшитишган.

Дастлабки уч суткани космонавт мутлақо ҳаракатланмасдан ўтказган — бу эса тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган қаҳрамонликдир. Ҳамма Терешкова чарчаганини тушуниб турарди, лекин у асло сир бой бермаган. "Восток-6" Ер атрофида 48 марта айланган.



Ўз парвози мобайнида Валентина Терешкова ҳеч нарса емаган. Фақатгина Ерга кўнғач, барча йўриқномаларга терс ўлароқ "Ер" таомини татиб кўрган. Космик таомларни эса уни кутиб олган инсонларга тарқатган.

Қайтарувчи аппаратнинг кўниши саҳна-лаштирилган ва 19 июнь куни — уни ерга қайтанидан бир кун ўтиб, суратга олинган. Киз оғир ҳолатда эди, деярли ҳушидан кетган ва у касалхонага жўнатилган. Фақатгина 18 июнь куни кечга бориб, унинг соғлиғига ҳеч нарса таҳдид солмаётгани аниқланган. Эртаси куни тарих учун унинг Ерга қайтиши кинотасмага муҳрланган.

Илк коинот парвозларининг кўплаб деталлари махфийлаштирилган. Валентина Терешкованинг парвози ҳам бундан мустасно бўлмади. Узоқ вақт парвоз катта таҳдид остида ўтгани ва фожиа билан тугаши мумкин бўлгани яширилган. Лекин у барчасига чидади.

Бугун биз бежиз бу фазогир аёл ҳақида эсламадик. Чунки Терешкованинг коинотдаги парвозига бугун 59 йил тўлди.

**Масрур САНАЕВ интернет**  
**материаллари асосида тайёрлади.**

